

# Жамолиддин Муслим

КҮННА УРЛАЕТГАН ИЗТИРОБ



КЕЛМАСИН ҲАРГИЗ МАЛОЛ,  
ҲАҚ ИҮЛДА ЧЕКМАК ИЗТИРОБ...


# Жамолиддин Муслим

*Кўнка ўрлаётган изтироб*

ШЕРЛАР

*Задек*

93



3

Наман анская

Ч 5 Гонжент

«Езувчи» навримёти

1992 йил.

Бобом Ҳусаншайх ўғиллари  
Абдулбоқи руҳларига баҳшида  
этаман. Парвардигорим гарнику  
раҳмат қылган бўлсин, Омий...


Би шоир Жамолиддин Муслим инсон  
қаётининг азалий мезонларига ва кўпда  
эътибор берилавермайдиган инсон ва иймон,  
ва охират каби тушучаларга ўзига хос ни-  
гоҳ ташлайди.

Шеърларини—дунёнинг Си иншр қалби-  
даги безовта акс садоси сифатида қабул  
қылгайсиз,

M — 4702610202 — эълонсиз — 1992  
362/04/—92

ISBN № 5—9255—0095—2

© ЖАМОЛИДДИН МУСЛИМ, 1992 И.



Жамолиддин Муслим—Наманганнинг қадимий даҳаларидан бири—Сардоба даҳасининг Ностегирмон дәҳпорасида таваллуд топган. Уни Наманган саноат—технология олийгоҳида ўқиб юрган кезларидан биламан. Ўша пайтда бир даста машқларини ўқиб чиққан эдим. Шеърларини тархи тозалиги мени қувонтирган эди.

Кейинчалик «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Ёш куч», «Гулистон» мажалларида, рӯзномаларда чоп этилганихчам шеърлардан иборат туркумлари ўзбек адабиётининг бугунги авлоди сафига бошқаларга мутлақо ўхшамайдиган, тамоман ўзгача руҳдаги шоир кириб келгайтганини кўрсатди.

Жамолиддин Шеърларида ибтидо, ҳаёт ва интиҳо билан абадият ўртасидаги мантиқий боғлиқлик ҳакида баҳс юритади. Бу баҳс бир қарашда ўқувчи кўз олди-

да тугаллангандай. Бироқ, менимча, у ҳокими мутлақ —Оллоҳга етишмоқ билан ёнган мутасаввуфлар баҳси-нинг давомидир.

Жамолиддин ҳали ёш. Келажаги олдинда. У оғир меҳнатли шеърият майдонида сабот кўрсатиб, тароватли шеърлар яратиб, халиқа тақдим қилади деб ишонман.

**Одилжон НОСИРОВ,**

**Наманган давлат дорулфунуни профессори, Узбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**



## ОЛЛОХГА МУНОЖОТ

Мен ўз феълимдан уйгониб  
Сенга сиғинурман эй, Оллоҳ,  
Гуноҳимдан тониб ёниб  
Сенга сиғинурман эй, Оллоҳ.

ШАМС.

1

Иўқдан ўзинг бор этдинг,  
Дилга имон ёр эдинг,  
Тоцинади борлигим,  
Сен ўзингсан ХОЛИҚИМ!

2

Яхши-ёмон афъолим,  
Сенга аён аҳволим,  
Ботил кечди хаёлим,  
Хазиначи РАҲМОНИМ!

3

Тилга олмай ё субҳон,  
Оздирди ё шум шайтон,  
Мағфиратга бўлдим зор,  
Ўзинг кечир ё ФАФФОР!

4

Итдек дайдиб кетдим-о,  
Молга қўкрак кердим-о,  
Нафс айлади оҳ асир,  
Кўзимни оч ё БАСИР!

5

Неъматингга шукрим йўқ,  
Лоқайдликдан кўнглим тўқ.  
Виждонимни қилдим оқ,  
Ризқим узма ё РАЗЗОҚ!

5

6

Оҳ пешөнам шўр экан,  
Кўнглим кўзи кўр экан.  
Ҳоки пойим бости туз,  
Ушбу замон ё ҚУДДУС!

7

Теграмдадир кассоблар,  
Ҳақни сўйган қассоблар.  
Иўлда тураг гадо-қадр,  
Қадрим кўтар ё ҚОДИР!

8

Ўзлигимдан кечдим-о,  
Ўт ловиллар ичим-о,  
Қайда қолди ўзлигим?  
Ё БОҚИ-Ё, ё ҚАДИМ!

9

Иўлиингда кўп ҳажр бор,  
Бу куиларда ажр бор.  
Талабдаман гадодек,  
Ижобат қил, ё МАЛИЙ!

10

Қилдим сенга муножат,  
Ўзгадан йўқ ҳеч најот.  
Барча элга сен паноҳ,  
ЛА ИЛАҲА ИЛЛАЛЛОҲ!



## Ұ З И М

Во дариғо армон билан умрим кечди,  
Нафсим мени туғён қилди ҳаддан  
ошти,  
Жоним қуши парвоз қылса, рухим  
қочти,  
Фоғил юрган умрин елга сотар,  
дүстлар...

Ахмад ЯССАВИЙ.

Ажаб ҳамма урён күрдим,  
Ишік ахлини гирён күрдим.  
Инсон әмас, шайтон күрдим,  
Аввалида ҳайрон үзим.

Мудом үзим шод айладим,  
Ботил хәёл ёд айладим,  
Хар хил йұлда хүп қайнадим,  
Ібұрм ишларда султон үзим.

**Билгам ишим риे қилдим,**  
Амал ичра расво бүлдим.  
Мұхаббатни сазо қилдим,  
Умид тұла вайрон үзим.

Чун күзларим бедор әмас,  
Күнгил анга дилдор әмас,  
Зоди-роҳим тайёр әмас,  
Хақ олдида ағғон үзим.



## **ДУНЁ КОРИНИ НОҚИС ШАРХЛАҒОНИМ ХУСУСИДА**

1

Султонларда вафо йүқ,  
Мулозимда саҳо йүқ.  
Бахил, лайм ватани,  
Ажаб дунё ё ФАНИЙ!

2

Урчиди хуб хиёнат,  
Соқов бұлди садоқат.  
Чунки одам боласи,  
Күкка сиғмас ноласи...

3

Манфаатсиз җиккмат йүқ,  
Эл сўзида җикмат йўқ.  
Дил баҳринда йүқ гаввос,  
Қандай кун бу ё ВАҚҲОС!

4

Қувладилар дил софни,  
Қўллайдилар қаллобни.  
Ҳаром—суюн даромад,  
Эс оғдиргин ё АҲАД!

5

Кўз сўзади аёли,  
Ҳаёдамас хаёли.  
Номусин айблаюр дор,  
Осилади шармисор.

6

Түгри бүлсанг куларлар,  
Үгэри бүлсанг сүярлар.  
Тайёр тураг фатвогар,  
Бохабарсан ё АКБАР!

7

Ед айламас гумроҳ бас,  
Үз ҳолидан огоҳмас.  
Қалблар ўлик йўқ сайъи,  
Тирилтиргин ё ҲАЙИ!

8

Кимларгадир жон керак,  
Кимларгадир нон керак,  
Инсоф, адл мунқатеъ,  
Эшитгувчи ё САМЕЪ!

9

Ота-ғил тонишган,  
Ака-ука чопишган.  
Ганж-оқибат бўлди ҳор,  
Ҳукминг буюк ё МУХТОР!

10

Етим ёши ёмрирдай,  
Армонлари тоғ қирдай,  
Эзив қўймас изтироб,  
Раҳминг келсин ё ВАҲХОБ!

11

Гийбатларга ўт қалаб,  
Ножинс яшар халқ талаб.  
Даргоҳингда ул мадуд,  
Қон йиғласун ё МАВИКУД!

12

Бугун сенга дилдорлар,  
Эрта дорни тайёрлар.  
Инсон толмай комил бут,  
Диллар зада ё МАЪБУД!

13

Унутилди боболар,  
Юртни суйган сиймолар.  
Елғон ичган ул мозий,  
Тинмай қарғар ё ҲОДИЙ!

14

Гадо қани, шоҳ қани,  
Қувонч қани, шоҳ қани.  
Үтди қанча хос событ,  
Хамдинг айтиб ё ҲАМИД!

15

Карим, Носир қифотинг,  
Тамом қилас, абётим,  
Шукрим сенга қилойин,  
Ё РОБВИЛ ОЛАМИН!

## АДОЛАТ КҮЗЛАРИ КҮР БҮЛГАН ЮРТДА

Жон ширин, мол азиз күринар күзга,  
Вафоси ётга-ю, жафоси үзга.

Баҳор айланади заъфарон күзга,  
Адолат күзләри күр бүлган юртда.

Ҳақ·сүзга топилмас бирор харидор,  
Ҳар жойда улуғдир найрангбоз маккор,  
Мунофиқ нокаслар қизитар бозор,  
Адолат күзләри күр бүлган юртда,

Осмонни тинч қўймас фосид олимлар,  
Одиллик даъвосин қиласр золимлар,  
Бош эгиб яшайди ориф муслимлар,  
Адолат күзлари күр бүлган юртда.



## К Е Л Д И М

Күриб ғаддор дунёни ҳайронга келдим,  
Назар қылсам ҳаёй үйүк майдонга келдим,

Барчада ўткىнти гам топмадим ҳамдам,  
Нафс күйида қуюндең сарсонга келдим.

Ноодиллар ҳукми ҳақдир, базми жамшиддир,  
Аждахадек ютмоққа шай, ўпқонга келдим.

Ұзинг соҳиб барадсан айладинг ошиқ,  
Фикр айлаб сифотинг туғёнга келдим.

Ки бердинг, қўлу оёқ, шукур тўрт муччам соғ,  
Вале аҳком адо этмай афғонга келдим.

Бу жаҳон лавҳига Муслим, ким вафо ёзди,  
Үйғон-ей, ғофил кўзим мулки арzonга келдим.



## Б И Р К У Н

Сен султон эмассан, мен эса аълам,  
Иккимиз куйдирап бир хилда алам,  
Кўп нарса ёзолмас ҳаттони қалам,  
Қаламлар, аламлар ёнарлар бир кун.

Элакдан ўтмоққа келганда фурсат,  
Ўз тилинг юракка берганда қувват,  
Инсон шаклидаги манқуртлар сифат,  
Мунофиқ маҳлуқлар тонарлар бир кун.



## ШОҲ МАШРАБНИНГ СҮНГГИ СҮЗЛАРИ

Ломакон розими—энг одил ҳакам,  
Бутун вужудимда таскин мужассам.  
Мана бошим тайёр, дорга оссанг ҳам,  
Ўткинчи работнинг жафоси бир пул.

Амал ва манликнинг этагин тутган,  
Имонни, виждонни буткул унутган,  
Педшоҳнинг номидан фармонлар битган,  
Таъмагир қозининг ғатвоси бир пул.

Кўзинг оч оломон—ҳазрати Инсон.  
Мен сенинг бағрингдан отилган исён.  
Баски, кетаяпман, эй ҷоҳи армон,  
Мунёфиқ дўстларнинг оҳ-воҳи бир пул.



## АРМОН ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

1

Аввалда ким эдим ёраб...!

Ўз этим ки едим ёраб...!

Яккаш ўзингга матлабман.

Ўз тилимдан йироғ бўлдим,

Бут насибам фироқ бўлди,

Инсиз осилган Машрабман.

2

Недонларим бош этиб,

Авлодларим тош этиб,

Ҳасратла суғорилдим

Дунёсини кўнгил суймас,

Чун ўзингдан ўзга билмас ,

Ман қаён юборилдим.



## **БУ ЭСКИ РАБОТ**

(«Мирзо Бедилни туш кўрдим» туркумидан).

Бу работ саҳнида тор ила танбур наво қилгай,  
 Ҳар қасбиор соҳиби моуманикдан даъво қилгай,  
 Дунё маъносиз даъваларга бўлганида гарқ  
 Бир малак сур чалиб, фақому... дей нидо қилгай:



Жаҳон-ла улфат бўлма дил, ўлим деган неъмат бор,  
 Анинг бағрида қолмоққа, на-да хуқуқ, на ҳужжат бор.  
 Эҳ қанча ҳаким фозилни ҳижрат ғами ўртади,  
 Тадорлик-сир, ваҳмидан дилларда нор—шиддат бор.



Даҳр шундай боғ, боғбон қилган мардини,  
 Мард кўтарган боғнинг барча дардини.  
 Ҳижрат этса содиқ мардлар бирма-бир,  
 Ииғлаб қолган кўзга суртиб гардини.



Дунё әкан бир ришта  
 Икки учи тугилган.  
 Тугунларни ечолмай  
 Не донолар тўкилган.



Бу эски работ қулашга келди,  
Нодонлар ўйнаб-күйлашга келди.  
Ўзин билмаган «мангу сарой» дер,  
Доно бир кеча тунашга келди.



Тупроққа қўйилди бугун бир инсон  
Башорат топмадим ҳамроҳми иймон?  
Бирма-бир кузатсам кузатганиларни,  
Тез тупроқ ташлабон қайтмоқ бегумон.



Эй, маъшуқ хор этсанг уволим тайёр,  
Гуноҳимдан тонсам, гувоҳим тайёр.  
Бадҳолат бўлдим лек сендан тонмадим,  
Ўзинг лутф-ла этгил ҳосилим тайёр.




Иртдан қувилди инсоф диёнат,  
Шафқатга ташна титрайди ниҳол.  
Нафас ғанимат, дунё омонат,  
Нафсинг ўйлама, эй ноқис ақл.



Ҳалойиққа беқсам рангида қон йўқ,  
Утмай қолибди бўғиздан ҳалол.  
Савоб қувлаган бирорта жон йўқ,  
Инсонлик бизга увоздир увол!

39686 6





Аё Муслим, мунча димог осмондасан,  
Нафас хавфи ражо, алҳол фармондасан.  
Битиб кетдиларким, илми танҳолар,  
— Ё башар воқиф ул, бузуқ қўргондасан



Ўтмоқда олтин фурсатим, ишқ ўйлида ағғонман ўзим,  
Мақсуди олий берди-ю, бас аҳли йўлонмай ўзим.  
Ёруғ оламга келибман, сир асрордан бехабар ағбор,  
Аҳли дил риштасига ки, терилмаган маржонман ўзим.



Оҳ ажални битдилар, кўз билан қош устида,  
Яна огоҳ этдилар, қари ю ёш устида,  
Ким ҳаққа топинмас, ки анинг бош устида,  
Ўйноқлаган шамшир ўЗИМ.



Ҳаргиз илик сурмадим ҳақнинг ирфонига,  
Нафсим тўғони ўхшар Нуҳнинг тўғонига,  
Лутфига ношкур қазо қилдим, кўзларим очсан.  
Дил, заҳмига малҳам йўқ, журмим тўғонида.



Ярамга даври-даврон кечакундуз сепар туз,  
Бори кўнгил майлини, «эй, йўловчи ишққа туз!»  
Марги номакобидан соқий бир кун тутадир,  
Сабил қолар илкингда, бўлса ҳатто шаҳри Тус.



Хақиқат нақорат бүлади бир кун,  
Бул яшаш ҳақорат бүлади бир кун.  
Тонг отди, ел эсди уйғон нобакор,  
Хаққа хуш ҳикоят бүлади бир кун.



Қотди дилим мисли тош субҳаналлоҳ,  
Савоб түрвам келдим бүш субҳаналлоҳ.  
Восилларга мени құш субҳаналлоҳ,  
Күрганларим бүлсін туш субҳаналлоҳ.



## О Г О Х

Бунда неки турар омонат,  
Ақлга сиғмас ўйлаб қараса..  
Бехабарлар қилас маломат,  
Чун йўқотган жуда кўп нарса.

Армонлари әзар халқининг,  
Маломатта угур юракни.  
Сароблигин англар талқинин,  
Имони йўқ калтакесакнинг!

Мол-дунёни аъмол қилас у,  
Амалини қилмайди сагир.  
Барчасига барҳам берар-ку,  
Бир кун замин очганда бағир.



## Д У Н Е

Ағёрларга ёр дунё,  
Чин ёрларга дор дунё.  
Ҳасратларга ғор дунё,  
Шоирларга тор дунё.. .

Иигитлари белбоғсиз,  
Аёли-чи сўроқсиз,  
Тирик етим саноқсиз,  
Номуслардан ор дунё...

Амалдори зулукдир,  
Сак ҳам ундан тузукдир,  
Маккорлари улуғдир,  
Солиҳлари хор дунё...

Ҳақиқатни айтсалар,  
Ҳақиқатга ташналар,  
Ақли жоҳил ташланар,  
Захри қотил мор дунё...

Манфаат деб түгилган,  
Бидъатларга кўмилган,  
Ҳақ йўлидан тойилган,  
Олимлари бор дунё.

Бўзлайман оҳ саҳнида,  
Оқаман гам наҳрида,  
Даво излар дардига,  
Дармонига зор дунё ..

Қаро кўзлар бедор бўл,  
Ишқ аҳлига ҳамкор бўл,  
Карвон яқин тайёр бўл,  
Беш кун турмас чор дунё..

## АДАШГАН ҚИЗ ҚҰШИФИ

Алам ёнар күксимда  
Армон ёлғиз бисотим.  
Омонатли дунёда  
Омонатим йүқтедим...

## Ж А В О Б

— Нега ҳазил шеър ёзмайсан дұстим,  
— Шеърда қаҳ-қаҳанғ яшнаб турмайды?  
— Шеърият—хаёт, ҳаёт биланми,  
Хеч ҳазиллашиб яшаб бұлмайды.



## **ҰТГАН ҰЛУҒ КИШИЛАРНИНГ ХАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР**

Келиб шу сўқмоқ йўлдан  
Кетавердик...  
Кетавердик...  
Ҳокка айланиб  
Охир топдик—  
Саҳрои Қабир...

Келиб шу сўқмоқ йўлдан  
Кетавердик...  
Ўнга қарадик зулумот,  
Сўлга қарадик зулумот  
Наҳот дедик!!!  
Ҳайҳот дедик!!!

Юрак—бепоён денгизимизга  
Чўктиридик,  
Каттакон тош—Сабрни...  
Келиб шу сўқмоқ йўлдан,  
Кетавердик...  
Дилимизда алам,  
Ҳамроҳимиз қалам,  
Зиёрат қилиб ўтдик—  
Ҳақиқат аталмиш.  
Буюк Қабрни...

Келиб шу сўқмоқ йўлдан  
Кетавердик...  
Кетавердик...  
Биз кўп ўйлардик.  
Биз кўп билардик,  
Келажак ҳақида  
Тушларимизда  
Кўрар эдик,  
Ўрик гулидан оппоқ қадрни.

## М А Н З А Р А

Булутлар ортига беркинар қүёш,  
Заминга ёйилар тұзғиган ҳислар.  
Осмон қийналади түкілмай күз ёш,  
Ұзанин құпорған бүрон увиллар

Булутлар ортига беркинар қүёш,  
Ниҳоллар ҳолига йиғлайды осмон.  
Чақмоқлар чақмоқда—порілаган бардош,  
Қаёққа шопимоқда—«Бахтиёр иисон!»



## **БЕСАМАР ДАРАХТ**

Экилди...

Кесилди...

-- Нима қолди дунёда ундан?—дея,  
Шовуллайди бағри қон ШОТҮТ!

## **БОШСИЗ ЧАВАНДОЗ**

Хориган құйхна тулпор—заминим  
Қисилиб борар нафас йүлларинг  
Мен эса устингда саросар у—  
Бошсиз чавандоз!...



## ОНА ФАРЕДИ

Ё раб, афғонга деб олиб кетдилар,  
Гул тутған құлларға қурол тутдилар,  
Айтнің ким ютқауди, кимлар ютдилар,  
Үглім өмас кетди жаҳоним мени.

Кейтсіп доб умидвор яшардим бунда,  
Үгелоним кезганды аччиқ тутуңда,  
Айтарды хобимда, күндүзу түнда,  
Күтнің онажоним, чүп каъбам мени.

Хатларип күтәрдим ҳокисор иитиқ,  
Согинчдан тұларди иккі қорачиқ,  
Тили бұлса айтсін, бу темир салдиқ,  
Жонинг бұлса чиққан, султоним мени.

«Душманлар» қийналса Ғазна томонда,  
Рұқларинг кезармиш қай бир маконда,  
Кароматлар тұлмиш, оппоқ осмонда,  
Кароматинг күрсат худойим қани.

Сұз билан ифода этолмам дардим,  
Камоңдай букилди бу шамшод қаддим,  
Сени кутар эди бир түнча баҳтинг,  
Чимилдик күрмаган арслоним мени.

Даҳрга келганимидинг, сарсон бұлай деб,  
Афғоннинг күксига қалқон бұлай деб  
Ёвузлик мулкини талқон этай деб,  
Олиб кетар мени, фироқинг сени.

## А Н Д И Ш А

Қондошлар қолдилар талашиб мерос,  
Бири маҳкам тутди эзгулик ўйин  
Бошқалардек асло солмади уввос,  
Аста макон этди андиша ўйин.

Бир тутам пахтадай аёли аста,  
Мингирай бошлади пинжига кириб:  
--- Бешта алпомин-а, ақлингиз қайда?  
--- Құявер! — деб құйиди бағридан суриб.

Мини-мишлар тезгина кетди ўт олиб,  
Қисмат чертар әди фарёдли қуйин.  
Ұтираверди жим несвойдан отиб,  
Тарк этмай қадрдан андиша ўйин.

Жисміда қолмади заррача бардең,  
Андиша тиқилди келиб бүгзига,  
Тил отиб ташлади—андиша ўлди,  
Қен сачради қадрнинг оппоқ юзига...



## Қ А Р С А К

Мен бу жонли құғирчоқ билан,  
Үйнай олмадим.  
Шу боис мудом...  
Бұғзимдадир унинг құллари...



## **УМИДВОР ДАРАХТ**

**1.**

Четлаб үтди шамоллар,  
Наҳот ишонмади  
Уйғонишимга?

**2.**

Мен энди ўсаман  
Ниҳоят тоңдим  
Илдизларимни.

**3.**

Ҳеч нарсаны тиламайман фалак сендан  
Тиниқ осмон  
Ва эркдан ўзга.

**4.**

Ортда қолди куз—  
Күз ёшларим япроқ каби  
Тұқилған күнлар.



## В О Л И Д А М Г А

Гам узра ғам, бўлдим сиза,  
Мунгли **бекар**, кўзингиза,  
Олемадим кўнглингиз—а?!  
Бу уй ичра адо бўламан.  
Она сизни дуо қиласман...

**Бешингизда** оппоқ толалар,  
Боқсам эзар беун номалар,  
Мендаймикан барча болалар?  
Бу ўй ичра адо бўламан,  
Она сизни дуо қиласман...

Мени ўйлаб бедорсиз оҳ,  
Шеър ёзма деб койирсиз гоҳ,  
Қогоз қалам бўлгай гувоҳ,  
Сизни ўйлаб адо бўламан,  
Шеърлар ёзиб ризо қиласман...

Улуғ эгам раҳматинг бергин,  
Ҳақ Мустафо шафоат қилинг,  
Она фақат жаннатий бўлинг,  
Бу уй ичра адо бўламан,  
Она сизни дуо қиласман...



## Ф А Р Д Л А Р

Хўқизнинг шохига урмоқлик учун,  
Фалак қуласинми айтинглар нечун?!



Дунёдан ўкиниб яшайдилар,  
Дунёга юкиниб яшайдилар.



Киссасида йўқ хуш амалдан нишонлар,  
Соҳибдил кишини боғин нечун гайҳонлар?!



Газаб тигин чиқарса подишоҳлар,  
Жиноятчи бўлурлар бегуноҳлар.



Хақдин ўзгадин сўровим йўқ,  
Хақдан ўзгага сўроғим йўқ.



Нечун қаро бошга ўраб оппоқ саллалэр,  
Нечун қонеъ туарар сомеъ, туарар каллалар?!



Уйғон дилим уйғонгил,  
Сен ҳам хайрга тўлғонгил.



Дунё йигиб у дунёда бўзлама,  
Кел, шунинг чун, бу дунёда бўз яма.



Биродар нечта ўтди соатинг?  
Қўлимдамас, ки, вақти ссатдим...

## ТУИГҮ—КҮЗГҮ

Үлим олдидан иисонга берилган ризқ-надомат.



Зулмнинг қайроти— мунофиқлик



Бу дунёда ҳеч ким савоб талашмас



Кўнглим ўзи—байтуллоҳ  
Вужудимдан гуноҳларим  
Тавобга келар...



Иймони суст юртнинг,  
Куфри баракали бўлади.



Мутеъликка зулмни никоҳласа,  
ҚҰЛЛИК туғилади.

## ЭЗГУЛИКНИНГ ҲАМДАМИ

Ҳамон кирадар кечалар тушга,  
Болаликнинг сирли олами.  
Юрак ёнар келиб жунбушга,  
Мен—эзгуликнинг мангу ҳамдами.

Қалбим денгиз, сўзар элимнинг,  
Гоҳ шодлиги, тоҳ дарду ғами.  
Бахш этарман меҳр гулимни,  
Мен—эзгуликнинг мангу ҳамдами.

Кўкда учар оппоқ турналар,  
Қанотида баҳтим боғлами.  
Дилим сизла ҳар чоқ турналар,  
Мен—эзгуликнинг ҳамдами.



## **ДАЪВАТНИНГ ИСМИ ТАВҲИД**

I

Яшил япроқларниң томирларида қўрқинч ва содиклик оқмоқда... Улар ҳар субҳидамда «МАЪБУД БИГТА, ЭЛЧИСИ БАРҲАҚ», дея эслайтган насимлардан тўйиб-тўйиб, нафас олмоқдалар.

II

Бевақт қирқилган шохчани, шамоллар тупроққа қоришилдилаар.

Бағрида раҳмат уруги қолган шохча эса, «РАЗЗОҚ, рози бўлсин» дея униб чиқди

III

Беҳуда хазон бўлган барглар авфини сўраб, тунлари япроқчалар бедор шитирлаб чиқадилар...

IV

Эзгулик курида кўнгаган ям-яшил қалбига ИЙМОН —етти қиррали гавҳарни тикиб, уни кечиргучи РАҲМОНГА омон топширганга оғарин!

**Ё РАББИЛ ОЛАМИН!**

## БАХШИЛАР УЧРАШГАНДА

Иттифоқо фалакнинг гардиши билан икки бахши, ўзлигидан, айрилган. меҳнат қилиб билакларин толдирган, ҳалол ризқин ҳам олтинин ёвларига, олдирган, боғларига от солдирган, аёллари номаҳрамни чорлаган ўз йўлини ўзи боғлаган ҳоли забун, иқболи нигун юртга келиб қолибдилар.

Умр бўйи чеккан мусофирилик заҳматлари бир бўлибди-ю, бул юртда кечган уч-тўрт кунлари бир бўлибди. Алқисса ул юртнинг мундоқ кўришиб юрт шаънига яратгандан Ҳидоят тилашибди.

## ДИЛШОД БАХШИНИНГ АБЕТИ

Дили шод бўлсин дебон, Дилшод қўйдилар отим,  
Валие шодлик кўрмадим, кўкка сачрап фарёдим.  
Бадбахт шоҳдир қотили—сўйган ёлғиз бисотим,  
Эгам бунга гувоҳдур, гариб дилга ҳамроҳдур!

Неки тушса бошимга, собир бўлгум энди ман,  
Неки берсанг ризқимга шокир бўлгум энди ман,  
Сен ҳам шафқат қилмасанг, нелар бўлгум энди ман.  
Эгам ўзи паноҳдур, жумла оламга шоҳдур!

Тийра ғам тегирмони, эзар бўлди ушбу кун.  
Дилбандим хотиримни, безар бўлди ушбу кун,  
Фироқида жаҳонни кезар бўлдим ушбу кун.  
Аlam торин чертаман, ҳар пардаси чоргоҳдур!

Азим-азим маконда ажаб турли ҳаводис,  
Аёл «катта», «эр латта», кўпилар юзтубан даюс,  
Шайтон иши ким ошди, ҳақ сўз сўйламоқ қалтис,  
Ҳар қадамда ёлғон ҳақ, ҳар қадамда гуноҳдур.

Ерда төглар нега жим, нега күчмас тошлари,  
Элни гарот қылган кас ёрилмасму бошлари,  
Емай қўйди эл ҳалол, ҳаром бўлди ошлари,  
Холи қандоқ омманинг, алхос ўзи огоҳдур!

Дунё маккор раққоса, айланади тинмайин,  
Нафси бадлар тутмоқ—чун бойланади тинмайин,  
Менга шундай дил бергин, дунни кўзга илмайин,  
Кимки қилмас ҳукминтии муҳри унинг гумроҳдур!

Таваккалдур бу бошим, ёдинг эрур йўлдошим,  
Нусрат берсанг ҳар элда, топилади қўлдошим,  
Кетар чогда эгам қил, иймонимни сафдошим,  
Иймон билан кетган кас, маҳшаргоҳда подшоҳдур!

### МАҲЗУН БАХШИНИНГ АБЁТИ

Дунёгамас дўстларим чоҳга тушган Маҳзунман,  
Самандардек бўзлайман, оҳга тушган Маҳзунман,  
Ишқ бобида алданиб, моҳга учган Маҳзунман,  
Ер ларzon, само ларzon, замон бўлди дўстлар-o...!  
Чашми ғирён, кўзимда уммон бўлди дўстлар-o..!

Шодлик йўқ, қайғу тавил, тирикликни нетайин,  
Худосиз қавм келибон, урчилилар бетайин,  
Мундоқ зулмат қаъридан бошим олиб кетайин.  
Ер ларzon, само ларzon, замон бўлди дўстлар-o...!  
Никоҳ бўлмай қизлари, жўвон бўлди дўстлар-o..!

Кўчалар кенгайди-ку, навкари дажжолга мос,  
Шоҳ қавли феъли бўлди, шум шайтоидан иқтибос,  
Бул бедодликдан куйиб хослар бўлдилар вос-вос.  
Ер ларzon, само ларzon, замон бўлди дўстлар о !  
Савобга йўқ харидор, талқон бўлдим дўстларо-o..!

Бүйинтуриқ тақибон саркор бўлган саклари,  
Халқумидан ўтар тек, ҳалол улус ҳақлари,  
Адолатдан лоф урар, яна тинмай жағлари,  
Ер ларzon, само ларzon, замон бўлди дўстлар о...!  
Аломати қиёмат, аён бўлди дўстлар-о...!

Мунқатеъ қил, ё раббим, менга дунё базмини,  
Майли чиқсии дилимдан, жон қушининг тизгини,  
Васлинг чун кезарман бер, марди худо измини,  
Ер ларzon, само ларzon, замон бўлди дўстлар-о...!  
Ҳидоят бер бу юрга, чун ўзингсан РАҲНАМО...!

Шарҳи дил этмакка бир ҳамхонани тилайман,  
Дарду дили каби, вайронани тилайман,  
Васлинг сўроғлаб юрган, ҳайронани тилайман,  
Ер ларzon, само ларzon, замон бўлди роббан-о...!  
Ижобат қил дуойим, чун ўзингсан ФАФФОР-О...!



## ЮРАК ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

1

Дарди улкан самонинг,  
Дарди улкан замоннинг.  
Икки дарднинг куйида,  
Ўсар юрак—улкан дарахтим!  
Дарди ўчмас самонинг  
Дарди учмас заминнинг.  
Икки дарднинг туғида,  
Қолар юрак—улкан дастхатим!

2

Юрагим яхшиям бўшлиқ эмассан,  
Мангу ошносисан нурли уфқнинг.  
Ўртаниб ёнасан асло тинмайсан,  
Дупё-мўъжизакор мўнгли қўшиқнинг  
Армонлар жонини оламиз ҳали,  
Орзулар бағрига тегар шаббода...  
Бошимга тушса-да тогдай жафолар,  
Дард билан яшайлик фақат дунёда!



## Т У Ф И Л И Ш

Наврӯз тонгларида вулқондай ёриб,  
Чиқадир куртаклар шохлар бағридан.  
Эҳ, она тана кетади ҳуркиб,  
Гулларга тұлған шохча мәхридан.

Бебен шаббодалар ногоҳ тұқадир.  
Ёш новдаларнинг илк согинчларин.  
Барғлар сийнасига андуҳ чўқадир,  
Довуччалар тугар эрк согинчлари...



## ҚАЙТГАН ОҚҚУШ ОГОХИ

Зулмату қаҳр уйинда  
Хеч яргинг қилмадинг...  
МИСКИНИЙ.

\* \* \*

Алвидо тилимга осилган қулф деб,  
Нега айтмоқдан құрқасан,  
Илдизин кемираётган каламуш!!!

\* \* \*

Энди патларин аёвсиз юлар,  
«Ҳақ ягона әмас» деб,  
Тинмаган түтиқуш...

\* \* \*

Сахиyllигинг бас қил,  
Қорнингни түйғаз!  
Ўз инига сиғмаган сичқон!!!

\* \* \*

Ининг занжирлама қавми куйган,  
Қулликка куйинчак,  
Құзлари басир ўргимчак.

\* \* \*

Мунча беҳолсан,  
Қоялари яксон қилингаи,  
Үтири күз лочин?!

\* \* \*

Сотқинларга ўрин бўш,  
Ҳатто милитиқнинг,  
Ўқдонида ҳам.

\* \* \*

Бу юртда аёллар,  
Фарзанд эмас,  
Сабр туғади.

\* \* \*

Бу тоғ эмас—  
Пешонамдан тўкилган  
Етмиш йиллик шўр.

\* \* \*

Баҳорин бой берган юртни  
Тавоғ қилмас  
Қалдирғоч.

\* \* \*

Бунда халқни  
Шиор боқади —  
Ҳақ сўзга бичилган кафан.

\* \* \*

Ўзлигим яширган  
Пушти куйган  
Бевадай нафрат

\* \* \*

Аждодларнинг даргоҳи—тупроқ,  
Бир кун кириб борарсан  
Аларни соғинган чоғ.

\* \* \*

Ҳани сўйла миллатинг надир?  
—Тириклика тилинг унутдингми,  
Дўзахда ҳам топмайсан қадр!

\* \* \*

У маскан—ажиб шифохона,  
Ўз қавмин талаган итларни ҳам даволар,  
Аждодлар шундай одил ҳамхона

\* \* \*

Аждодим маймун деб наҳот ишондинг?!  
Танбеҳлар қолганди биздан кетарда  
Ҳатто қаҳримиз—зилзила огоҳ этганда.

\* \* \*

Юракни эт покиза бир қуш  
Айрилиқ кўзларин ўйиб  
Арши-аълода учиб юрсин

\* \* \*

Лолазор бағрининг әлчиси—рухдир,  
Хақ амрила сүфор,  
Раҳмат ниҳоли мева тұгар.

\* \* \*

Хали гүзал боғларни туш күриб,  
жизғанак бұлар,  
Күкараёттан дарахтга құнаёттан булбуллар...

\* \* \*

Күришамиз паноҳсизлар қуёши ботганда,  
Минглаб жангу жадаллар билан,  
Отмаган ҳақиқат тонгти отганда.



## О Т А М Г А

Дунёда борлигим сиз сабаб,  
Толега ёрлигим сиз сабаб,  
Ёшлигим кечириб сиз алқаб,  
Ортимда турибсиз,  
Пурвиқор тоғдай  
О т а ж о н !

Үйлаган үйларим паст-баланд,  
Сүзләган сүзларим паст-баланд,  
Үзимман бедаво беписнад,  
Ортимда турибсиз,  
Пурвиқор тоғдай  
О т а ж о н !

Аллдай қоматингиз букилмасин ҳең,  
Хизматта шай турай бамисоли печ,  
Сиз борсиз уйимдан аримайди ганж,  
Ортимда турибсиз,  
Пурвиқор тоғдай  
О т а ж о н !



## ҲАЗРАТ АЛИШЕР НАВОИИГА АРЗИ ҲОЛ

Кўксим зардоб яшайман ҳазрат,  
Қўлим бошда кетар бўлдим.  
Динда ноқис, ғоғилман ўзим,  
Кўзим ёшлаб кетар бўлдим,  
Бағрим ошлаб ўтар бўлдим...

Тушунмайман мен сизни ўқиб,  
Бегонадай «Маҳбуб-ул Қулуб»,  
Дилга осиғ каттакон қулф,  
Кўзим ёшлаб кетар бўлдим,  
Бағрим ошлаб ўтар бўлдим...

Битганингиз ояту ҳадис,  
Четга бурди минбардан даюс,  
Учиб келди ҳақиқат қақнус,  
Руҳингизни йўқлар бўлдим,  
Бугун сизни оқлар бўлдим...

Қилолмадим сиздай тоатни,  
Куфр босди барча одатни,  
Кўрарманму чин соадатни!  
Кўзим ёшлаб кетар бўлдим,  
Бағрим ошлаб кетар бўлдим....



## АБДУЛБОҚИ ИБН МАРДИ ПИРНИНГ ҮЕЛИГА ВАСИЯТИ

1

Дунё дедим панд едим,  
Худо дедим қанд едим,  
Дилбандгинам кўзинг оч,  
Фофилликдан нари қоч!

Фофил диллар шод бўлмас,  
Маҳшаргоҳда ёд бўлмас,  
Жазосига ожиз тил,  
Мудом тирик бўлсин дил!

2

Нафс кетидан қувлама,  
Сўнг бўридек увлама...  
Дунё эмас—ибрат бу,  
Сийрат эмас—сурат бу.

Тарк айлама жумъани,  
Дўст айлама сумъани,  
Ногоҳ кўрсанг бир мискин,  
Кўнглин кўтар, бер таскин.

3

Амал тоғин киймагил,  
Шум шайтонга иймагил.  
Номи ўзи амалдор,  
Тангрим сени айлар хор,

Ёди билан йиғлағил,  
Юрак бағриң тиғлагил.  
Чунки ювар гуноҳинг,  
Тавба-ла чеккан оҳинг...

4

Юзим ерга қаратма,  
Заифларни қақшатма,  
Шилиб олса этингни,  
Йиглатмагин етимни.

5

Нури дийдам күзимни,  
Сўзлаб бўлдим сўзимни,  
Шоҳидлигим тилимда.  
Ўзи берсин тўзимни.

Битмоқдадир соатим?  
Мақбулмиқин тоатим  
Расул дерми умматим?  
Қандоқ бўлди суннатим?!

6

Парвардигор қулингман,  
Тутолмадим йўлинг ман.  
Чақирмоқда мунис ер,  
Фарзандимга йўлинг бер!

## **БҮ ТОНГ...**

**Бү тонг...**

Қалбим тирилтири...!

Халқым тирилтири...!

Халқумим тирилтири...!

Майли ғамга чўмилтири...!

Надомат уйидан чиққанимда

Жамолинг кўргузиб,

Хушиуд дамга чўмилтири..!

**Бү тонг...**

**Бү тонг...**

**Бү тонг...**



## КҮККА ҮРЛАЁТГАН ИЗТИРОБ

Кўнгилга ҳажр дардидин даволар  
бор экан мундоғ...

Акмалхон ТУРА.



Бизга берилган неъматлар ичida ҳушёрлик дунёсига  
етакловчи неъмат—ўлим ҳам бор.

Қаердаки, бу неъмат унутилибди, ўша ернинг муво-  
занат шартлари бузилади;

Диёнатни ҳиёнат қуш боласини ютган илондай ютади.

Ҳаромдан урчиган мол-дунё покиза оғизларда ярқи-  
райди.

Субҳи-ю шомидан бехабарлар ҳалокат жарига қу-  
лайдилар...



Диёнатнинг кўзига қум сочилишини...

Жамики эзгуликлар дарвозасига тумор бўлгучи  
халқини залолатга ботишини...

Асрий эътиқод кемаси сарб денгизида сузишини...

Асло истамайди кўзга айланашётган кўнгил халқи!



Умр ўтиб борар...

Гўё юракка санчилиб руҳим ханижари,  
Ундан сизиб чиққан қон-армон учолмас  
Фариштанинг баҳайбат қўлларига томаётири!



Азизим, диёнатни сўрадингми?

Бу саҳрода айланаётган боғнинг бир четида у ўзини осиб қўйганига анча бўлди...



Эътиқод-эзгуликнинг энг олий даражали ҳосиласидир.  
Бу ҳосилани олиш учун инсон бугун умрини ҳадя этиши керак. Акс ҳолда...?!



О, азизим, баҳилнинг әлга иизмати-ю, ҳиммати битта — баҳиллигидир. Бундан бошқа саҳоватини ундан кутиш, бошни кундага қўйиш билан баробар!



Ҳозирги ИЛОНЛАР, Ҳазрати Мусонинг ҳассасини ютмоққа шай турагар...  
Ажабо...



Сизда яратган ўзи иноят қилиб берган АҚЛ деган неъмат бор. Лекин у дунёдаги узун орзу-ҳавасларингиз хирмонига кўмилиб қолган. Ҳақ даргоҳида мулзам қилувчи хирмонингиздан бу азиз неъматни ҳоли қилиб, маърифат боғингизни кўкартиришда АҚЛни ОЛЛОҲ қаломи ила суғорсангиз, ҳаётингиз отаётган субҳи содиқдек ойдинлашиб, МАҒФИРАТ қуёши нур сочади...



Дунёга барчамиздан пок келгап жажжи чақалоқ, бизнинг гуноҳимизни кечирилишини сўраб йиғлаётгандек туюлади менга. Эҳ, ахир биз ҳам худди шундай келмаганимидик дунёга!!!



Ойдин кеча...

Жим-жит кӯча...

Мана дунёда минг хил хиёнатга гувоҳ-жин кӯча...

Лекин жим кӯча...!!!

Бу кӯча қандайин бахтсиз кӯча?!



Тавҳид илмини қаердан ўқийман дейсизми?

Тафаккур дарслигидан. Бу китобни қидириб овора бўлманг. Тафаккур дарслиги—ўзингиз. Аъзоларингизга қаранг, уни шундай мутаносиб, мўъжизаларга бой яратилганини ўйлай бошлаганингиз тавҳид илмининг илк фаслидир.



Баъзи одамлар халқни алдаб кун кечирадилар. Бунинг учун аввал ёлғонни зуволасини пишитиб, одамлар ишонувчан тандирни қизитиб ёладилар.

Начора, парвардигор берган ризқни шундай топиб тирикчилик қиласканлар, у ёғини ҳам парвардигорга топширдик...



Бозор..

Оломон...

Бозорни болнига күтариб, қичқирап даллол:

«Барака де, Апсамат, барака?

Бор, ўн сўм... Бор, йигирма беш! Ҳой бўлди, аммо лекин ё уйдагидан қўрқасанми?! Ҳи.. ҳи.. ҳи.. Ҳой, Апсамат менга қара, динимиз бир, тилимиз бир, инсофинг борми? Барака...»

Апсамат чидолмади, барака берди.

Иймонини, инсофини сотиб еб, тирикчилик қиладиган даллол рози қилинди.

(Албатта олувчи кўпроқ ўзатди).

— Э воҳ, эрта-индин ҳолига маймунлар йиглайдиган даллол, наҳотки, азобни шунчалик арzonга сотиб олса...?

Сўзим эшитиб кимdir эснади, кимdir тилла тишини ярқиратди. Тили забони йўқ сигир кета туриб, жидду жаҳд ила пишқириб мўъраб юборди: «Эҳ одамлар...»

Бозор...

Оломон...»



Қалбингизни дунё лаззати учун изтироб чекишига ундан нарса нима эканлигини билишни хоҳлайсизми? Бу—НАФС. ҲА, Ҳа ўзингизнинг нафсингиз. Чунки у ҚАЛБИНГИЗ—АСЛАН ЯРАТГАНГА МУАЛЛАҚ ОСИЛИБ ТУРУВЧИ, ТАНГРИ ҲУКМЛАРИНИНГ ТАСДИҚЛАРИ ёзиши мумкин бўлган оппоқ лаҳвга, ёри-биродарлари бўлмиш: БАЛОИИ НАФС, ҲАВОИИ НАФС, ШАҲВОНИЙ НАФСлар сизнинг дунёга бўлган муҳаббатингиз муй-қалами ила ёзилади.

Бу уч бошли баҳайбат илон улғайган сари, дунё сиздан юз ўгириб кетишдан қўрқиб, сиз унинг навкари айланиб борасиз... Охир-оқибат унинг буткул емишига айланиб, дунёда меҳмон жонзот эканлигин-гиз ишқида қалбу вужудингиздан фаромуш бўлиб, дорул фонодан дорул бақога бевақт йўл оласиз.

Ҳабрдаги мاشаққатлар қайдан келаётир...!!!

Яратганданми? Йўқ, асло! Билгинки, бу—тириклик чоғингизда семиртириб Соққанингиз, фарзандингиздан ҳам ширии, ёлғон орзу-ҳаваслар ортидан қабр хонақоҳигача югиртирган УЧ БОШЛИ ИЛОНдир!

Ё, ТАНГРИМ, менга шундай жон олиш қудратини ато этгилки, сенга бўлган муҳаббатимни ҳалок қилмай туриб душманимиз бўлмиш ШАЙТОН ила УЧ БОШЛИ маҳлуқни ҳузурингга йўл олган акобир валий зотлардек лаънатлаб кўмган шайтонлар қабристонига қўмишга муҳарраф этгил...!!



Дунё асли кавлаб қўйилган зам ўчогларидир. Унга осилган қозон—инсон. Даставвал қўйилар покиза сув... Аста қайнатар. Мехр..  
Меҳрла қайнайвериб оқибат кўрмагач суви айниб, зардоб-хиёнатга айланар...! Утиң ташиб ҳавасу-ҳасад, қайнатар ёлғон. Дунёнинг динсиз ўчогига илинган бўлсанг,

Қурумга айланар виждон...  
Буғланиб кетар иймон....

Сенда тайёрланган масаллиғни роҳатин кўрар четда турган ҳакам-манфаат-у, дунё яралгандан бўён тўймган очқўз-жигилдон! Дунё-ғам ўчогида қайнайвериб охир, ёрилар қозон... Оғзи аждарҳодай очилиб қолган ўчоққа илинар янги қозон!!!



Беш күнлик умриңиз зарварақлари—күнларни  
Мәхрға чулғанғ, тоинки бу зарварақлар ёди кек-  
сайған чөгингизда афсус-надомат бахш этмасин.

Туганмас орзу-ҳавас тиламанг. Чунки бу үзүн ор-  
зу ортидан қора қаргалар галасидай учеб келувчи—  
ғамни унутманг.

Үзингиздан аввал ұтган ақдодлар ҳоли не кечди,  
тағаккур айлаб үоли-ҳәётингизни ихота қилинг.



## БҮЙНИМДА ИҮҚ ДУНЕ АРҚОНИ

Бүйнімда иүқ дунё арқони,  
Толғаним шул гавұар-иймоним,  
Келар бұлса бир күн фармонаим,  
Иймон билан кетай биродар.



## СЕНИ ТӨПМОҚ САОДАГДУР...

Сени төпмөк саодатдур,  
Саодатин йүүртганлар  
Насофатдур.

Сенинг йүүлингда  
Дүнёдан жафо тортмоқ  
Халоватдур.

Сендан ўзгадан  
Вафо кутмоқ  
Жипоятдур.

Жамолингни  
Хаёл этмоқ, манга хуш—  
Ибодатдур.



## ФИДОИИ ДЎСТИМ ТОҲИРЖОН РАҲМАТОВГА

Ногаҳон фалокат, юз берди у кун,  
Юрагим қайғуга бўлди-ку тутқун.  
Умидим узмадим умидим бутун,  
Яратгандан умр тиладим дўстим.

Аҳволинг билолмай, тушдим фироққа,  
Хаёлим тўзғиган кездим йироқда.  
Гўёки қалам ҳам ёниб бормоқда,  
Бевафо ўйларни янчидим, эздим.

Биламан юрагинг, бекибор тоза,  
Сўзларинг самими бегубор тоза,  
Кўл очдим самога, тутмадим аза,  
Шўришлар йўлини дуо-ла тўсдим.

Хаёт паст-у баланд, тириклик-неъмат,  
Омонлика қўриб қувондим ғоят,  
Мардлар қўлидадир тахту салтанат,  
Тилайман баҳт-омад авжу даромад,  
Ушбу шеър-ла дўстлик муҳрини босдим...

Тошкент, 1991 йил.  
Кеч куз.



## ТҮРТЛИКЛАР

Наволардан тинмагил дил,  
Бенаводан ўксинмагил.  
Аҳли бедард нени билгай,  
Сокин бўл, сен, бамисоли Нил.

\* \* \*


Тошқин дарё тортиб умрим,  
Ёт тошларга уриб оқар.  
Кўриб заҳмин, хаста кўнглим,  
Кекса соҳил мунгли боқар.

\* \* \*

Менга шундай бир умр берилган,  
Жафолардан ҳузур берилган.  
Кўкракдаги гавҳарга дўстлар,  
Билмам қандай зуҳур берилган?!

\* \* \*

Сиртидан дўстдек бетимсол кимга ким,  
Тилида сўзлаб хушмақол кимга-ким.  
Водариг, билмас аҳволин кимсаким,  
Сўнгги дам бўлгай ҳаммол кимга ким?!



## Б У Л М А С

Дунё дема асли мотамдур,  
Үзни билсанг дунё Хотамдур,  
Еағринг кенгми, хотириңг жамдур,  
Асло сенга маломат бўлмас.

Сўзлар тилинг, ростни сўзласа,  
Ноҳақ кўриб дилинг бўзласа,  
Фақат эзгу юмуш кўзласа,  
Сенга ваҳми қиёмат бўлмас.

Кўриб ногоҳ қочса одамлар,  
Чорламаса хешу—ҳамдамлар,  
Умр—тонгингдан ўчиб шабнамлар,  
Ҳаётингда ҳаловат бўлмас.

Ганиматсиз не бор оламда,  
Мұҳаббатсиз не бор оламда,  
Қадру-қиммат бўлган одамда,  
Гар билсанги<sup>з</sup> надомат бўлмас.



## ИБРАТ БҮЛМАДИ...

Ибрат бүлмади ёту хешимиз,  
Келиб кетмоқлик бүлди ишимиз,  
Бир-биргә санчмоқ нечун нишимиз?  
Дор бүлар бу гыйбат миш-мишимиз...

Чоп-чоп деганда шайтони лайн,  
Жиловни уздик чопдик тинмайин,  
Қани айтинг-чи не топдик тайин?  
Этни нимталар маржон тишимиз...

Бир сиқим лоймиз, пардоз на даркор.  
Хақ демаган жон-эъзоз на даркор,  
Кўкрак керарлар боз-боз на даркор.  
Утар баҳор, ёз келаш қишимиз...



## СИНГИЛЛАРИМГА

Саодат тираб узатдик сизни,  
Қаноат тираб узатдик сизни,  
Зиёда қылсын Мұхаббатингизни,  
Саодатли сингилларим...

Файзларга тұлсын сиз түшгап ҳовли,  
Умр бир хилдамас қишли-қировли,  
Матонат сұрар сизлардан ҳали,  
Матонатли сингилларим...

Күрмайни сизни маңысуз ҳазин,  
Эл күриб айтсан бизларга таҳсин,  
Хушмақол сұзланғ, доимо вазмин,  
Шарофатли сингилларим...



Тўпламни чоп этилишидаги бегараз берилган ёрдам учун Ўзбекистон маданият жамғармаси вилоят бўлими ҳайъатига, хусусан Оминахон АБДУЛҲАЙ қизига чин дилдан миннатдорчилик изҳор этаман.

**МУАЛЛИФ.**



## М У Н Д А Р И Ж А

Оллоҳга муножот	5
Ўзим	7
Дунё корини ноқис шарҳлағоним хусусида	8
Адолат кўзлари кўр бўлган юртда	11
Келдим	12
Биркун	13
Шоҳ Машрабнинг сўнгги сўзлари	14
Армон ҳақида шеър	15
Бу эски работ	16
Огоҳ	20
Дунё	21
Адашган қиз қўшиғи	22
Жавоб	22
Ўтган улуг кишиларнинг ҳаётидан лавҳалар	23
Манзара	24
Бесамар дарахт	25
Бошсиз чавандоз	25
Она фарёди	26
Андеша	27
Қарсак	28
Умидвор дарахт	29
Волидамга	30
Фардлар	31
Туйғу — кўзгу	32
Эзгуликнинг ҳамдами	33
Даъватнинг исми тавҳид	34
Бахмилар учрашгандা	35
Юрак ҳақида икки шеър	38
Тугилиш	39
Қайтган оққуш огоҳи	40
Отамга	44
Ҳазрат Алишер Навоийга арзи ҳол	45
Абдулбеки ибн Марди пирнинг ўғлига васияти	46
Бутонг	48
Кўнка ўрлаётган изтироб	49
«Бўйнимда йўқ дунё арқони»	55
Сени топмоқ саодатдир	56
Фидой дўстим Т. Раҳматовга	57
Тўртликлар	58
Сингилларимга	59
Бўлмас	60

**Литературно-художественное издание**

Жамолиддин Муслим

Печаль вьющийся в верх

**Стихи**

Художник Ҳамидулло Худойберди  
Ташкент, издательство «Ёзувчи»

на узбекском языке

Адабий-бадиий нашр

Жамолиддин Муслим

**КУККА ҮРЛАӘТГАН ИЗТИРОБ**

**Шеърлар**

Тўплам муаллиф ҳисобидан нашр қилинди.

Муҳаррир Абдували Қутбиддин.

Расмлар муҳаррири Ҳ. Худойбердиев.

Техн. муҳаррир У. Ким.

Корректор М. Хўжаева.

ИБ № 103.

Босмахонага берилди 15 июль 1992 йил. Босишга руҳсат этилди 28 сентябрь 1992 йил. Формат 70x108 1/32. Босмахона қоғози, Офсет № 1 Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма листи 2,45. Шартли кр. Оттиск 2,62. Тираж 10000. Заказ 2435. Баҳоси 10 сўм. Шартнома 18—92.

«Ёзувчи» нашриёти. 700129. Тошкент,  
Навоий кўчаси, 30.

196, 54

Баҳоси

Келишишлган нархда



---

Чортот районлараро босмақонасида босилди.

---